Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 8 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 77 (6973)

Da'vat

Тўғри сўзлаб, эзмаликдан қоч.

ДЕМОКРИТ.

Ibrat

Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами куни «Узбекбирлашув» бошқаруви ота-онасиз, қариндош-уруғлари қўлида тарбияланаётган 150 дан ортиқ ўғил-қизга дастурхон ёзиб, ош тортди. Бошқарув раиси Фарҳод Бурҳонов эндигина мактабга йўл олган болалар қўлига 1000 сум, катталарга 1500 сумдан ёзилган омонат дафтарчаларини тутқазди.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.

2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич руёбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин. Давлат бюджетини тасдиқлашда миллий дастурнинг молиявий ва моддий таъминотига алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

Мустақил мамлакатимиз нашрларининг энг сўнгги сонларини олиб кўраркансиз, деярли уларнинг барчасида Рустам Қосимжонов номи билан боғлиқ тафсилотларга дуч келасиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Марказий Осиёнинг энг ёш халқаро гроссмейстери Рустам Қосимжоновга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони бе-

БУГУННИНГ ҚАҲРАМОНИ

рилди ҳамда Президент совғаси — компьютер топширилди. Бундан беҳад руҳланган ёш шахматчи мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовга миннатдорчилик мактуби йўллади. «Очиғи, мустақиллик бўлмаса мен қаерда эдим-му халқаро турнирлар, компьютерда жаҳон шахмати сир-асрорларини ўрганиш қаерда эди. Ана шу имкониятни яратганингиз учун, Мустақилликнинг Ватанимизда абадий яшаши учун, муқаддас Ўзбекистон байроғи жаҳон-

нинг энг буюк шаҳарлари узра кўтарилмоғи, мадҳиямизнинг дунё осмони бўйлаб янграши учун бор куч-қувватимни бағишлайман деб, ўз-ўзимга сўз бердим».

Биз ҳам Рустамжоннинг эзгу ниятларига етишишида омад тилаймиз.

СУРАТДА: Р. Қосимжоновга Президент совғаси — компьютер топширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Р.М.Қосимжоновга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони бериш тўғрисида

Ватанимиз обрўсини, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун шахмат бўйича халқаро гроссмейстер **Рустам Машрукович ҚОСИМЖОНОВ**га «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 2 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф а р м о н и

Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш ТЎҒРИСИДА

Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгиласин.

2. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш республика комиссияси иловага мувофиқ тузилсин.

Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгиласин:

«Таълим тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсати тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш;

республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

кадрлар тайёрлаш тизими ҳуқуқий-меъёрий асосини миллий дастур талабларига мос равишда қайта кўриб чиқишни ташкил қилиш;

узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ этишни таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимининг миллий моделини амалга оширишни таъминлаш;

кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш асосида таълим тизимининг истиқболли йўналишларини белгилаш;

уч йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари тизимини миллий дастур талаблари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

халқаро донорлар, хорижий инвесторлар, жамғарма ва жамоат ташкилотларининг маблағларини жалб этиш ва улардан унумли фойдаланишга шароит яратиш;

кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мониторингини олиб бориш;

миллий дастурнинг бажарилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам маълумот бериб боришни ташкил этиш.

3. Узбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари ва улар учун масъул ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳлар фаолиятига юқори малакали мутахассислар ва олимлар ҳамда хорижий экспертларни кенг жалб этиш назарда тутилсин.

4. Таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим масалалари профессор-педагогик ходимлари сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларни ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида «Устоз» республика жамғармаси ташкил этилсин.

5. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур фармонда белгиланган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 6 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига илова

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш Республика комиссияси ТАРКИБИ

Султонов Ў. Т. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, раис

Рисқиев Т. Т. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, раис ўринбосари

Азизхўжаев А. А. — Бош вазир ўринбосари, раис ўринбосари

Зокиров М. О. — Бош вазир ўринбосари котибиятининг мудири, котиб

Комиссия аъзолари:

Алимов Т. А. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

Ҳамидов Б. С. — Бош вазир ўринбосари

Саидова Г. К. — Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи

Назаров Й. А. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқа бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари

Иминов Т. К. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бош консультанти

Маматов А. Э. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти

Қурбонов Ш. Э. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти

Жўраев Т. Ж. — Ўзбекистон Фанлар академияси президенти

Жўраев Х. Р. — Маданият ишлари вазири

Йўлдошев Ж. F. — Халқ таълими вазири

Салимов О. У. — Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Сайфиддинов Ж. Б. — Молия вазири

Обидов О. — Меҳнат вазири

Ҳабибуллаев П. Қ. — Фан ва техника давлат қўмитаси раиси

Азимов Р. С. — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси, «Умид» жамғармаси раиси

Беганов В. С. — Давлат солиқ қўмитаси раиси

Мақсудов А. М. — «Ўздавстандарт» бош директори

Исмоилов У. С. — Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

Абдураимов Ҳ. М. — «Камолот» жамғармаси раиси

Аминов Н. — «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари

Зиёев М. Қ. — Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари.

O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuniga sharhlar

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Ҳар қандай жамият, ҳар қандай мамлакатдаги таълимнинг аҳволи, унинг тараққиёти кўп жиҳатдан таълимга алоқадор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мукаммаллигига, олдинда турган муаммо ва вазифаларни ҳал қилишга қай даражада йўналтирилганлигига боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Республикамизнинг «Таълим тўғрисида»ги янги Қонуни аввалги шу хилдаги ҳужжатдан фарқли ўлароқ, мустақилликка эришган, ҳаётда бозор иқтисодиёти даври қонуниятлари асосида фаолият кўрсатаётган, таълимни ислоҳ қилиш, уни демократлаштириш йўлидан бораётган Ўзбекистон давлатининг муҳим, тарихий ҳужжатидир. Унда таълим тараққиётининг стратегик истиқболли йўналишлари очиб берилган.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун таркибий жиҳатдан 5 та боб, 34 та моддадан иборат бўлиб, унда таълим хусусидаги умумий ва якунловчи қоидалардан ташқари «Таълим тизими ва турлари», «Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш», «Таълим тизимини бошқариш» каби масалаларини қамраб олади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун Республикамиз фуқароларининг таълим-тарбия олиш, касб-ҳунар эгаллашга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

Қонунда таълим Узбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётидаги устивор соҳа деб белгиланганлиги ҳам давлатимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига, кадрлар тайёрлашга қай даражада улкан эътибор бераётганлигига далолатдир.

Таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократлиги, узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, унинг дунёвий характерда эканлиги ва ҳамма учун очиқлиги ва таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари этиб белгиланган.

Қонунда Узбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган барча миллатларга жинси, тили, ёши, ирқи, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, динга муносабатидан қатъи назар, билим олишда тенг ҳуқуқли бўлиб, фуқароларнинг мазкур ҳуқуқдан давлат ва нодавлат, ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда бепул ўқитиш, шартнома асосида касб-ҳунар эгаллашлари кафолатланган.

Қонунда таълим муассасаларида тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилганки, бу эса ўз навбатида таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги ошишига, муассасадаги муҳит соғлом бўлишига ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

Сир эмаски, айни пайтгача ўқув тарбия муассасаларидаги таълим фанлари бўйича давлат ўлчам (стандарт)лари етарлича, мақсадга мувофиқ тарзда, жаҳон андозалари даражасида тайёрланган эмас. Қонунда давлат таълим стандартларини яратиш ва унга қатъий амал қилиш кузда тутилган.

Янги Қонунда таълимнинг анъанавий мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим турлари сақланиб қолган ҳолда унинг муддати ва мазмунига жиддий ўзгаришлар киритилган. Қонуннинг 12-моддасида умумий ўрта таълимдан кейин ўқувчиларни 3 йил мобайнида ихтиёрий-мажбурий тарзда академик лицейларда, касб-ҳунар коллежларида таҳсил қўришлари белгилаб қўйилган. Бу эса ўз навбатида 9-синфни тамомлаган ўқувчиларнинг эътиборсиз, чеккада қолиб кетишларига барҳам беради.

Бундай янгилик Қонуннинг «Олий таълим» деб номланган 14-моддасида ҳам бор. Чунончи, олий таълим икки босқичда, янги тўрт йиллик бакалавриат (таянч олий таълим) ва яна икки йиллик магистратура (тўлиқ олий таълим) шаклида амалга оширилади. Ўйлаймизки, шу асосда педагог кадрлар, етук мутахассислар тайёрлаш муаммоси ҳал этилади. Зеро, барчага маълумки, таълим-тарбия ишининг муваффақияти, сифати ва самарадорлиги муаллим билими, малакаси ва маҳоратига боғлиқдир.

Қонунда Республикадаги янги ижтимоий-иқтисодий шароитда мактабдан ташқари, оилада ва мустақил таълимнинг ҳуқуқий асослари илк бор атрофлича белгилаб берилганлиги эътиборга лойиқдир.

«Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш» деб номланган учинчи бобда таълим ходимлари, ўқувчилар, етим болалар, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли, ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож шахсларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишдек муҳим масала диққат марказида турадики, бу ҳам мустақил Узбекистонимизда инсон манфаати юксаклигини, унинг қадр-қиммати ҳар доим эъзозда эканлигини яна бир карра намойиш этади.

Таълим жараёнини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш ўзи бир санъат. «Таълим тизимини бошқариш» деб номланган 4-бобдан урин олган моддаларда ҳукумат, Давлат марказий идоралари, маҳаллий идоралар, таълим муассасаларини бевосита бошқариш функциялари чегаралари аниқ ва равшан берилганлиги ишимизнинг аниқ мақсадлар йўлида ривож топишига кенг йўл очади, албатта.

Қонуннинг 30-моддасида «Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар» деб қатъий белгиланганлиги бежиз эмас. Чунки, жамиятимиздаги айрим кишилар онгида ҳанузгача бола бирон ножўя иш қилса, янглишиб жиноят кучасига кирса, фақат таълим-тарбия даргоҳини айбдор санаш ақида ва фалсафалари сақланиб келаётганлиги сир эмас. Юқоридаги модда соғлом, баркамол авлод маънавий-ахлоқий камолоти учун фақат таълим муассасаси эмас, балки жавобгарлик кўпроқ ота ва оналар, уларнинг урнини босувчи шахслар зиммасида эканлигини, бу соҳадаги камчилик ва муаммоларни ҳал этиш ўзаро ҳамкорликни талаб этишини таъкидлайди.

Республикамиз халқ таълими тизими янги аср, янги ислоҳотлар ва тараққиёт уфқлари бусағасида турибди. Бажарилган ишлардан бу соҳада бажарилиши лозим бўлган вазифаларимиз кўпроқ. Шубҳасиз, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда бу жараённинг ҳуқуқий асослари етарлича ўз аксини топгандир. Навбатдаги вазифа ҳар бир педагогик жамоада «Таълим тўғрисида»ги қонунни атрофлича ўрганиб чиқиш, ҳар бир таълим ходими, таълим ташкилотлари уни ижро этишлари, қатъий амал қилишлари муқаддас бурчимиздир. Ҳозир вазирлигимизда ташаббускор гуруҳ тузилиб, ҳар бир бандни ижро этиш тадбирлари, қонунни ишга киритиш буйича норматив ҳужжатлар мажмуаларини яратиш ишларини бошлаб юборди.

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири.

● «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши чиқди.

● Қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик юбилейи тантаналарига тайёргарлик авж олган шу кунларда у ерда амалга оширилган ишларни яна бир бор кўздан кечириш, байрамга тараддудни ўз вақтида тугаллаш чора-тадбирларини кўриш мақсадида Хива шаҳрида ушбу байрамни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

JUMLADA JAHON

● Саудия Арабистони Подшолиги олий таълим вазири Холид ибн Муҳаммад ал-Анкарий раҳбарлигида мамлакатимизга ташриф буюрган делегация аъзолари республикамизнинг нуфузли олий ўқув юртларида бўлишиб, уларда олиб борилаётган янгиланишлар билан танишишди.

● Қозоғистон ҳамда Хитой мамлакатлари мудофаа вазирлари учрашиб, иккала давлат чегараларини қўриқлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш лозимлиги ҳақида келишишган.

● Германия Эроннинг иккала давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тиклаш ҳақидаги таклифини рад этиб, аввало Техронда ўз элчисининг фаолиятини бошлаши билан боғлиқ масаланинг ҳал этилишини талаб қилмоқда.

ЖАМОАМИЗ НЕГА МАҒЛУБ БЎЛДИ? 2-бет.

ИСТЕЪДОД — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ 2-3-бетлар.

«ҲУРРИЯТ» — «МАЪРИФАТ» ҚЎШСАҲИФАСИ

Таълимнинг умумхалқ иши эканлиги Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида алоҳида таъкидланди. Бу фикр матбуот нашрларига ҳам тегишли. Шу боис газетамиз «Ҳуррият» ҳафталиги билан биргаликда қўшсаҳифани эътиборингизга ҳавола қилаяпти. Ўйлаймизки, бундай ҳамкорлик бундан кейин ҳам давом этади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» босқичма-босқич амалга оширилиши ҳаммага маълум. Демак, эскидан янги тизимга ўтиш жараёнида ўзига хос муаммолар ёки тўсиқлар пайдо бўлиши табиий ҳол. Уларни тўғри ечиш учун эса барчамиз биргаликда, бир тан, бир жон бўлиб киришмоғимиз даркор. Алқисса, ушбу қўшсаҳифани тайёрлар эканмиз, кўнглимиздан бир нақл кечгани рост: «Бир калла — калла, икки калла — тилла». Ёхуд, бошқача ифодаласак, «барча ҳикмат ҳамкорликдадир».

Қўшсаҳифа билан 2—3-бетларда танишасиз.

МММ ХАБАРЛАРИ

«МАШЪАЛ ЎҚИТУВЧИ» БЎЛИШГА ИНТИЛИНГ

Фарғона вилоятида ҳам Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами зўр шодиёналар билан ўтди. Энг диққатга сазовор жиҳати шундаки, байрам муносабати билан вилоят ҳокимлигининг қарорига кўра «Халқ таълими фидойиси», «Машъал ўқитувчи» ва «Бошланғич таълим устаси» кўкрак нишонларининг таъсис этилганлиги бўлди. Уларнинг ҳар бири билан бирга бир марта энг кам иш ҳақининг 10 баробарида пул мукофоти ҳам бериладиган бўлди. Бу рағбатдан қутлуғ айём кунлари 46 педагог баҳраманд бўлди.

ТАНТАНА

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ҳам ушбу байрам муносабати билан тантанали анжуман ўтказилди. Анжуманда Халқ таълими вазирлиги, Яккасарой тумани ҳокимияти вакиллари қатрнашдилар. Кечани институт проректори А. Қиргизбоев кириш сўзи билан очди. Ректор Б. Қодиров жамоа аъзоларини байрам муносабати билан табриклади. Шундан сўнг қутлуғ кун муносабати билан институт профессор-ўқитувчиларини ва ишчи ходимларини 50 фоиз маош миқдорида моддий рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ ўқиб эшиттирилди. Барча ҳамкасблар байрам арафасида юксак мукофотларга эришган олти нафар профессор-ўқитувчиларни яна бир бор табриклашди. Шунингдек Халқ таълими вазирлиги номидан Жамилахон Толипова мукофотланганлар номидан профессор О. Каримова ва юқори курс талабалари табрик нутқи сўзладилар.

Н. ҚЎЛДОШЕВА.

САЙИЛГОҲДА

Пойтахтимизнинг Миробод тумани устоз ва мураббийлари ҳам ўз касб байрамларини кенг нишонлашди. Моҳир педагогларга туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари, шаҳар халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимининг нишон ва мукофотлари топширилди. Шунингдек, кекса, тажрибали, моҳир ўқитувчиларнинг барчасига туман халқ таълими касаба уюшмаси номидан қимматбаҳо совғалар инъом этилди.

Сўнгра байрам тантаналари Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида давом этди.

Сайилга ташриф буюрганлар туманда жойлашган касб-ҳунар мактаблари, мактаб ҳамда болалар боғчалари ўқувчи ва тарбияланувчилари томонидан тайёрланган, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмасини томоша қилдилар, таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурларини мириқиб эшитишди.

Шарифа ИЛЁСОВА.

МММ ХАБАРЛАРИ

Ҳуррият
Мустақил газета

МИЛЛИЙ ДАСТУР —

- **Бозор болаларни бузяптими?**
- **Қишин-ёзин бир кийим.**
- **«Контракт» усулини ўйлаб кўриш керак.**

Талқин

МАКТАБ МАВҚЕИ — ВАТАН МАВҚЕИ

Эртанинг одамлари қандай яшаши, юртнинг истиқболи қанақа манзара касб этиши, ватан, халқ тақдири кимларнинг қўлида қолиши кўп жиҳатдан бугунги таълим-тарбия ишига боғлиқ. Таълим-тарбия мамлакат иқтисодиёти, сиёсатининг оқибатини белгилайди. Таълим-тарбиядан ўсиб чиқадиган маънавиятга, кишиларнинг касб-кор малакасига эътиборсизлик ҳар қандай давлат куч-қудратининг заифлашувига олиб келади. Шунинг учун келажагини ўйлаган ҳар бир мамлакат маориф ва маънавият масалаларини биринчи галда ҳал этилиши зарур муаммолари деб қараган.

Ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида дадил одимлар қўйиб, жаҳонда эътибор топиб бораётган Ўзбекистонимизда ҳам таълим-тарбия ишига энг муҳим сиёсий масала сифатида қаралмоқда. Жамиятимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари ҳам таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор бериш лозимлигини тақозо этмоқда. Ҳар жиҳатдан баркамол, иймон-эътиқоди мустаҳкам кишилар Ўзбекистон истиқболининг порлоқлигига замин бўлиши тобора аён бўлиб бормоқда. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: «Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимиз тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири — буларнинг барчаси, аввалам­бор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз». Демак, мустақиллигимизнинг истиқболи, миллатимизнинг дунё халқлари олдидаги обрў-эътибори, мамлакатимизнинг эртаси таълим-тарбия тизимига боғлиқ бўлиб қолган. Хўш, мактаб, маорифимиз ахволи кишиларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, уларнинг касб-ҳунар малакаси, ўз ишига муносабатидан қаноат ҳосил қилиш, бугун мактабга, институт, университетга қатнаётган йигит-қизларга қараб эртага ишонч, умид билан кўз тикиш мумкинми? Афсуски, бу саволга аксарият кишилар салбий жавоб қайтаради. Чунки мактабларимизнинг аҳволи жуда ночор. Ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ўқишга қизиқиши, илм-фанга муносабати мақтанарли эмас.

Шарқда азалдан мактаб, мадрасаларга худди масжиддек муқаддас жой сифатида қаралгани, муаллим, мударрислар элнинг энг эътиборли кишилари саналгани маълум. Энди одамларимиз аждодларининг мана шу қадимий эзгу ақидаларидан негадир ғайритабиий тарзда узоқлашишди. Илм ўрганишга эътиборсизроқ бўлиб қолишди. Таълим-тарбия иши билан шуғулланувчиларга беписандроқ қарашга фавқулодда одатланишди. Ҳаёт тарзимизда содир бўлган бу ғаройиб, ачинарли ҳодиса, табиийки, кўпчиликни ташвишга солмоқда. Эртани ўйлайдиган, оқибат қандай бўлар экан, деб сал-пал фикрлайдиган ҳар қандай одам маънавий-ахлоқий қиёфамизда кейинги пайтда содир бўлган бу ўзгаришлардан, айниқса, ёшларимизнинг илм-фанга муносабатидан кўнгли тўлмаяпти. Бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари оғир кечаётгани боисми, кишиларимиз ўғил-қизларининг мактабдаги ўқишларига, уларнинг тарбиясига эътиборсиз бўлиб қолишяпти. «Мактабда ўқиб мамлакат олиб берармидинг?! Мулла мирқуруқ муаллим бўлмоқчимисан? Нима қилиб бўлса ҳам пул топишни ўрган!» дейдиганлар сафи ўсди. Бундай ошиғи олчи «насиҳатгўй»ларнинг ҳаёт тарзига ибрат намунаси деб қараш таомили кенг ёйилди.

Кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги Миллий дастур мамлакатимиз истиқболини ўйлаб яратилган жуда муҳим сиёсий ҳужжатдир. Уни амалга ошириш жамиятимиз барча бўғинларининг баҳамжиҳат ишлашини тақозо этади. Агар таълим-тарбия тизимимизда ижобий ўзгаришларга эриша олсак, Ўзбекистонимизнинг иқтисодиёти шубҳасиз юксалади, кишиларимиз турмуши фаровон бўлади. Чунки унда ҳаётимиз дипломлиларнинг эмас, юксак таълим-тарбия олган шахсларнинг қўлида бўлади.

Таълим тизимимизда инқилобий ўзгаришлар қилиш эса жуда мураккаб жараён. Кўп машаққатли иш. Чунки таълим-тарбия тизимимиз юртбошимиз таъкидлаганларидек, замона тараққиётидан орқада қолган қолоқ қарашлардан холи эмас. Аскариятимизнинг дунёқарашимиз, маънавиятимизга бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари акс таъсир кўрсатди. Бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Чунки кўпчилик кишиларимиз «ҳозирим-ҳузурим» деб яшашга ўтиб олишди. Пул ҳар қандай муаммони ҳал қилувчи яккаю ягона восита деб қараш кайфияти кенг ёйилди. Бу иллат, айниқса, ҳаёт тажрибаси кам ёшларимизни кўпроқ ўз гирдобига тортди. Ўспирин йигит-қизларимиз илм ўрганиш, бирор касб-ҳунарни пухтароқ эгаллаш машаққатларини тортиш ўрнига бозор-ўчарда «пўшт-пўшт»лаб арава судраб, сигарету сақич сотиб пул топишга ружу қўйишди. Нима қилиб бўлса-да, пул топиш кайфиятига берилиш кўплаб ёшларимизни маънавий-ахлоқий жиҳатдан салбий томонга ўзгартирди. Кексаларимиздан бири айтганидек, «бозор болаларимизни бузди».

Президентимиз Олий Мажлис, IX сессиясида сўзлаган нутқида бу хусусда шундай деди: «11-синфни битираётганларнинг 90 фоизи на бир аниқ ихтисос, на бир эртанги ҳаётга керак бўладиган малака ва на бир касб-ҳунарни эгаллай олмаяпти. Ва шунинг оқибатида 16-18 яшар йигит-қизларимиз ўз қобилияти, ҳаваси, интилишига мос, ҳаётда ўзига муносиб ўрин тополмаяти». Ёшларимизнинг бундай аянчли аҳволга тушиб қолишига эса бутун жамият ўзини айбдор деб ҳис қилиши керак. Бундан маълум бўладики, жамиятимиз тубдан тозариши, покланиши зарур. Бу, аввало, кишиларимизнинг маънавияти, дунёқараши билан боғлиқ. Таълим-тарбия соҳамиз, маънавиятимиз ҳар жиҳатдан ислоҳга муҳтож. Бунга бефарқ бўлмаслигимиз керак. Агарки, шу муаммога лоқайд қарасак мушкулликларимиз ортганидан ортиб бораверади. Эътибор берайлик, кишиларимиз аввалги одамлар эмас. Улар ҳозир очиқдан-очиқ бир-бирларининг уст-бошига, моддий аҳволига қараб муомала қилишади. Бу масалада ёшларимиз катталаримизни аллақачон орқада қолдириб кетишган. Улар иқтисоди ночорлигидан замонанинг шитобли ўзгараётган модасида кийина олмаётган муаллимаю ўқитувчиларига беписанд қарашга одатланишган. Бойачча ўқувчию талабалар, бир-бирларига «қишин-ёзин бир хил кийимда» топишмогининг жавоби «арча» эмас, «домла» дейишади. Бу таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришни, аввало, шу ишнинг мутасаддиси-муаллимга муносабатни тубдан яхшилашдан бошлаш кераклигини кўрсатади. Муаллим мавқеини кўтариш Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалга оширишнинг бош масаласи бўлиши шарт. Шунда таъмагирлик, порахўрлик иллати кескин барҳам топади. Ўқитувчиларнинг ўз ишига масъулияти ортади. Бунинг оқибатида ёшларнинг илмга, касб-ҳунар ўрганишга қизиқиши ҳам кучаяди.

Ёшларимизнинг касб-ҳунар ўрганишга иштиёқини оширмасак, уларнинг илм-фанга муносабатини яхши томонга ўзгартирмасак ўзимизда ишсизлик муаммоси ўсиб боргани ҳолда хорижий мамлакатлардаги миллионлаб кишиларни сердаромад иш билан таъминлашда давом этаверамиз. Яъни бозорларимизнинг «эгаси» худди ҳозиргидай Хитой сингари давлатларнинг «бир кўрмоққа жон бермоқ» моллари бўлиб қолаверади. Хорижнинг усти ялтироқ — ичи қалтироқ, сифатсиз товарларига мамлакатимизнинг миллион-миллионлар билан ўлчанадиган бойлиги совирилиб кетаверади.

Таълим-тарбия ўй лойсувоғидек натижаси дарҳол кўринадиган иш эмас. У мунтазамликни, узлуксизликни тақозо этади. Донишмандлар «Бола тарбиясини у туғилган кундан бошлаш керак» деганларидек таълим-тарбия тизимида мустаҳкам боғлиқлик ўрнатилмаса, дуруст самарага эришиб бўлмайди.

Албатта, иқтисод ҳаётимизни ҳаракатлатирувчи куч экани шубҳасиз. Аммо иқтисодни тебратадиган бир қувват — маънавият ҳам борки, унга асло эътиборсиз қараб бўлмайди. Уни пул мезони билан ўлчаш мумкин эмас, гап таълим-тарбия тизимимиздан ўрин олиб бораётган контракт ҳақида. Масалан, тиббиёт ўқув юртларига билими ҳаминқадар бўлгани ҳолда контракти борлиги туфайли ўқишга кириб олганлар кўпларда ташвиш уйғотмоқда. Чунки ундай «имтиёзли»ларнинг амал-тақал қилиб битириб чиққач, «Мен пул тўлаб ўқиганман» дея таъмагирлик қилмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунинг учун ўз ҳисобидан билим ва мутахассислик олмоқчи бўлганлар муаммосини пухта ўйлаб чиқиш керак.

Президентимиз эътироф этганидек, миллат, ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳақида ўйласак, таълим-тарбия тараққиёт таянчи экани ўз-ўзидан аён бўлади. Унинг муаммолари барчамизни эзгу бир мақсад атрофига бирлаштиради.

Абдулла УЛУҒОВ.



Буюк кимёгарлар шундай бошлаган...

Bu dunyoda...

АСТРОНОМИК ГЛОБУС

Осмон бўшлиғи биринчи марта Архимед томонидан эрадан олдинги учинчи асрда тадқиқ қилинган ва илмий таърифлаб берилган эди. Архимед астрономик масофаларни биринчи бўлиб математик ўлчовларда тасаввур қилишга уринган.

Юлдузларнинг осмон бўйлаб ҳаракатини намойиш қилиш учун астрономик глобус ясаган киши ҳам шу Архимед эди. Бу глобусни айлантирган чоғда ерталаб ой ботиб кетиб, ўрнига Қуёш чиқишини, Ой куйишини, сайёраларнинг ўз орбиталарида қандай айланишини кўриш мумкин бўлган.

Ана шу глобус охир-оқибатда инсонни юлдузлар оламига олиб чиқадиган илмий астрономиянинг биринчи амалий асбоби тариқасида ҳам оламшумул аҳамиятга эга.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

15 ФОИЗЛИК РАҒБАТЛАНТИРИШ... БЎЛАДИМИ?

Республика Президенти ва ҳукуматимиз томонидан бозор шароитида ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг меҳнатини қадрлашга алоҳида аҳамият берилаётгани эътиборга молик иш. Хусусан, 1995 йилнинг 16 августида Республика Президентининг «Иш ҳақларини ошириш ҳақида»ги Фармони ва шу асосда республика Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 8 сентябрдаги 98-рақамли қарори худди шу йўналишга қаратилган эди. Айнан икки йил илгари қабул қилинган Фармон ва қарорни эслашимизнинг боиси бор. Гап шундаки, ўша Фармоннинг 8-бандида ўқитувчилар учун меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида моддий рағбатлантириш фонди ташкил этиш таъкидлаб ўтилган.

Орадан икки йил ўтиб кетган бўлсада, Сурхондарё вилоятидаги мактабларда бу қарор бажарилиши таъминланмаяпти. Натижада ўқитувчилар орасида ҳақли равишда эътирозлар пайдо бўлаётир. Бу ҳақда биз туманлар халқ таълими, молия бўлимларига мурожаат қилиб, масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик. Шу соҳа мутахассислари эса 15 фоизлик қўшимча маблағ иқтисод қилинган иш ҳақи ҳисобидан берилиши мўлжалланган учун қарорни бажариш имкони топилмаётганини билдирдилар. Шундан сўнг ўша Фармонга яна бир бор кўз ташлаб чиқдик. Жумладан, унинг 8-бандида шундай дейилади:

«8. Бюджет ҳисобидан пул билан таъминланувчи муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини рағбатлантириш мақсадида уларга меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фондини ташкил қилишга рухсат берилсин. Ана шу фондни ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар 1995 йилда меҳнат ҳақи фондини тежаш ҳисобидан, 1996 йилдан бошлаб эса республика бюджети ҳисобидан қоплансин. Молия вазирлиги бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида Низомни тасдиқласин ҳамда уни аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланиши устидан таъсирчан назоратни ошириссин».

Ушбу масала юзасидан вилоят молия бошқармаси билан (телефон орқали) боғландик. Бошқарма бошлиғи муовини Х. Йўлдошев ўша тартиб мавжудлиги аммо ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақлари тўловдаги қарзларни узмай туриб рағбатлантириш фондини молиялаштиришнинг имкони йўқлигини тушунтирган бўлдилар.

Аммо бу билан ўқитувчиларнинг талабини қондириб бўлмайди. Чунки Фармон ва Қарорда моддий рағбатлантириш фондини республика бюджетидан молиялаштириш аниқ қилиб кўрсатилган.

Қизиқ, икки йилдан буён қонун кучига киритилган тартиб амалда бажарилмаётгани учун ким жавоб бераркин?

Даврон ОРИПОВ,
«Ҳуррият»нинг вилоят мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Куни кеча мамлакатимизда ўқитувчилар ва мураббийлар куни катта шодиёнага айланди. Президент Фармони билан юзлаб устозлар юксак мукофотларга лойиқ кўрилди. Шундай бир пайтда мухбиримиз йўллаган хабарда ёзилгани каби камчиликлар кўнгилни ғаш қилади. Сурхондарё халқ таълими мутасаддилари буни эътиборсиз қолдирмайдилар, деган умиддамиз.

АЗИЗ ГАЗЕТХОН!

Хонадонингизга ҳур фикр кириб боришини истасангиз

«ҲУРРИЯТ»га обуна бўлинг!

Кўнглингизда туғилган энг эзгу мулоҳазаларни кенг омма эътиборига ҳавола этишни истасангиз

«ҲУРРИЯТ»га ОБУНА БЎЛИНГ!

«Ҳуррият» Сизнинг хизматингизга доимо ҳозиру нозир!

Нашр рақамини унутманг:

ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН – 233
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН – 234

ИСТЕЪДОД —



Ботир Қодиров 1943 йилда Термиз шаҳрида туғилган. Врач-психолог, психология фанлари доктори, профессор. 1990 йилда «Лаёқат йўналишларининг мия механизмлари» мавзусида докторлик диссертациясини Москвада ҳимоя қилган.

У нималар ҳақида ўйлайди?

Боладаги истеъдод — бу ўтмишдан садо, тараққиётга, жамиятни ёруғликка ундовчи даъват. Чунки бу ҳам табиатнинг сахий инъоми ва уни биз излаб топишимиз, авайлаб ўстиришимиз керак. Токи у ўз ота-боболари сабоқларини ўргансин, ривожлансин, ўз такомилига эришиб, жамиятни ривожлантирсин.

... Бу ҳақда унинг кўплаб илмий мақолалари ҳам чоп этилган. Ҳозирда Ботир Қодиров Республика Истеъдод Марказининг раҳбари.

Қуйида олимнинг қобилият, уни шакллантиришга доир мулоҳазалари оққа туширилган.

«Истеъдодли болалар ва иқтидорли ёшлар миллатнинг ўстириб борилувчи ва аниқ мақсадлар йўлида самарали фойдаланилиши лозим бўлган «олтин заҳираси»дир».

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»дан.

Таълимга инсоният ҳамиша эҳтиёж сезади. Жамият мудом ривожланишда. Демак, бунинг омилларини билим таъминлайди. Билим эса таълимни ёппасига ва йўналишларга бўлиб ўрганувчи ижтимоий ҳодиса.

Таълимда андоза керак. Дори миқдорига қараб ҳам малҳам, ҳам заҳар бўлганидек, таълимнинг меъёри, миқдори бўлади. Инсон ёши ва жинсига қараб, катта кишилар ҳаёт тажрибаси, касб-корига қараб, бир мазмунни ҳар хил қабул қиладилар. Бинобарин, андоза икки йўналишда тасаввур қилиниши керак. Аввало, стандарт болалар, сўнг стандарт таълим мазмуни. Бу икки соҳа бир-бирига қулф-калитдек мос тушса, бола ривожланади ва ҳавас билан ўқийди. Бизда эса ҳозирча фақат таълим (мазмун) томонини билишади. Шу ҳақда фикр юритмоқдалар. Ҳолбуки масаланинг жуда катта қисми бу бола томонида. У ишда ҳар хил, болалар то балоғат ёшигача ва ундан сўнг ҳам шўх дарёдек, тоғдан оқаётган сойдек шарқираб-кўпириб оқиб, узгариб турадилар. Лекин шунга қарамай, мутахассислар бир қонуният, бир хил қабул қила олиш имкониятига эга бўлган болалар гуруҳини, маълум бир ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган бир ёшли болаларни ажратиб ола билишлари мумкин. Улардан психо физиологик хислатлари билан фарқ қиладиган болалар энди бошқача таълим меъёрини, бошқача ҳажм ва диққатни талаб қилиб турадилар. Яъни таълимнинг ҳар қандай назарияси ва, энг муҳими, амалиёти олдида, аввало, бола туриши керак. Унинг ёшига, жинсига, муҳитига яраша шахси, ўртача билимлари кўлами, шу миллат ёки регионга хос эга бўлган таълим-тарбия ва маданий ривожланишга эга бўлган муносабат ва эҳтиёжлар назарга олинган бўлиши лозим. Афсуски, ҳали Ўзбекистонда бу йўналишда тадқиқотлар қилинмаган, узуқ-юлуқ ҳар хил фикрлар исботланмаган, илман тасдиқланмаган. Лекин, бу муаммо катта ҳажмдаги жиддий тадқиқотларни тақозо этади.

Биз ўзимиз ишлатадиган психологик тестлар доирасида тўплаган ёш ва жинсларга тааллуқли стандарт нормалар олиш тажрибамиз шуни кўрсатадики, таълимнинг барча соҳаларини қамраб ола оладиган (боғча ёшидан олий таълимгача) ақлий, жисмоний, маънавий стандарт нормаларсиз илмий асосга эга бўлган таълим дастурини ҳам яратиб бўлмаслиги керак. Маълум ёшдаги болалар ақлий имкониятларининг нормаларисиз яратилган ўқув қўлланма.., умуман тушунарли эмас, ким, қандай қилиб ва нима учун шундай қилиб дарс ўтяпти. Таълим ғоясига нисбатан эса, бизнинг мактаб ихтиро қилинган таълим жараёнларидан анча орқада. Бизда ҳозир эмперизм ҳукмрон. Таълимни ислоҳ қилиш эмперизмдан кўра таълим жараёнини инсон тараққиёти омилларига бўйсундиришни, уларни тўла ҳисобга олишни тақозо этади.

Маълумки, бизнинг ҳозирги таълим тизимимиз итальянча. Унда совет давридаги педагогиканинг қолдиқлари мавжуд. Ундан батамом халос бўлишга биз ҳали тайёр эмасмиз. Истаймизми-истамаймизми, бу қолдиқлар мактабларимизни чирмовуқлай исканжага олган. Оқибатда эса таълимни андозалаштиришда айрим чигалликлар кузатилаётганга ўхшайди.

Фикримизни таълим андозасидан бошлаганимиз ҳам бежиз эмас. Ҳозирги мактабларимизда гўёки фақат таълимнинг ўзи стандартлаштирилиши керакдай. Ваҳоланки, ривожланган давлатларда стандарт қилиб бола олинади.

Мактабда паст баҳо олишга ўрганган, ўртача ўзлаштирадиган ёки «аъло» баҳоларга ўқийдиган болалар борлиги кундек равшан. Битта синфда ўқувчи, аммо ёш нуқтаи назаридан ойига фарқланувчи болаларнинг ўзлаштириш, билим ва қобилият даражалари ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчисидан Деновдаги унинг тенгқури орасида ер билан осмонча фарқ бор. Чунки улар тенгқур бўлганлари билан яшаш жойлари, уй шароитлари, теварак муҳитлари, табиатлари ўхшаш эмас.

Стандарт таълим бир хил бўлмаслиги керак. Ёш, жинс, миллат, ҳудуд стандарт таълимни белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Таълим тизимини муқобиллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ. Математика ёки бошқа фанлар бизнинг мактабларимизда синфнинг ихтисослашганидан қатъи назар бир хил ўқитилади. Аслида эса академиклаштириб ёки тижорат соҳасига мослаштириб ёки ижтимоийлаштириб (уй-рўзғор, кундалик ҳисоб-китоб ишлари) ўқитишга ҳам йўналтириш мумкин.

Ҳозирда бошланғич таълимга «Иқтисод алифбоси» курсининг жорий қилиниши кўпчиликка маъқул келмоқда. Худди шу каби ўрта умумий таълимнинг кейинги босқичларида ҳам нафақат математикани, балки бошқа фанларни ҳам йўналиш тарзида ўқитиш яхши натижа беради. Барчамиз қуникиш ҳосил қилган бундай ўқитиш муваффақият келтириши шубҳасиз. Ҳамма ҳозирги ўқувчилар келажакда олим, ёки интелектуал соҳа мутахассиси бўлавермайди-ку. Унинг устига ривожланган жамиятнинг бор-йўғи 10-15 фоиз халқи ақлий фаолиятга доир касб билан машғулдир. Демак, мактаб шуни тўғри тушиниши ва билимларни ҳаётнинг ҳар-хил қирраларига мос келадиган қилиб тайёрлаш лозимдир. Аралаш-қуралаш ёки бир хил йўналишда ўқитиш таълимнинг имкониятларини чектенгқурларидан кўра енгилроқ ечади, озроқ шу соҳага майл сезади. Лекин маданий муҳит унинг бу имкониятларини ривожлантиришни, ундан жамият эҳтиёжлари мақсадларида фойдаланишни ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу ҳол кўплаб кўрилади, айниқса, қишлоқ ҳаётида боланинг нозик диди, фаросати, кундалик ҳаёт ташвишлари орасида ота-оналарга ҳам, ўқитувчиларга ҳам иккинчи даражали, баъзан эса мазах қилишга асос бўладиган ҳислат сифатида қаралиши мумкин.

Айниқса, ақлий истеъдод соҳиби бир вақт аниқланиб, юзага чиқарилмаса, бола ўзининг бошқа шахсий ҳиссиётлари билан, тенгдошлари, катталар олдида ўзининг ўта андишага бориши, диллилиги, нафосатга мойиллиги билан ажралиб туради. Натижада у ўз шахсида одамларнинг бу муносабатига қарши характер ҳислатларини шакллантиради. Баъзан бундай болалар масхарабозлик қиладилар. Баъзан уйдан чиқиб кетиш йўлига тушадилар ёки халқ орасида у ёки бу хатти-ҳаракатлари билан ном тараталадилар. Ушанда ҳам ўз зеҳнларининг ўткирлиги, серфикрлилиги, ҳозиржавобликлари билан ажралиб турадилар, албатта. Шу сабабли биз ақлий истеъдодни энг нозик, шу билан бирга энг қимматли истеъдод деб биламиз. Бу билан биз бошқа соҳа истеъдодини камситмоқчи эмасмиз. Ҳар бир турдаги истеъдод соҳиби яратган асарлар тарих зарварақ-

лайди. Биз таълимни жаҳон стандартлари даражасига яқинлаштириш ҳақида бот-бот гапирмоқдамиз. Жаҳон стандартлари дунёдаги ривожланган давлатларнинг таълим тизимидаги энг мақбул, синалган жиҳатлардир.

ИСТЕЪДОД...

Истеъдодни биз енгил, ҳаётга яқин тушунмоқчи бўлсак, инсон табиатининг ижтимоий қимматга эга бўлган фаолияти ёки ҳислати бўлиб, уни ривожлантириш, мукаммаллаштириш ҳам, аҳамият берилмаган тақдирда сўндириш ҳам мумкин. Ҳар иккала ҳолатда намоён бўлиб турган истеъдод бу, аввало, унинг табиати берган ички имкондир. Бу бола учун, жамият учун эса инъомдир. Бу истеъдод тегишли муҳитда (диққат қилинса, ёрдамлашилса) у инъомга айланади. Лекин ҳеч ким бу боладан кучли математик тафаккурни кутмаса ёки махсус психологик тестлар билан текшириб аниқланмаса, ундаги ўзига хослик имконият савиясида қолиб кетади. Имконият бор — масалан, математик муаммоларни

МИЛЛИЙ ТАФАККУР АСОСИ

Ilm o'zni bilmakdir
Ma'rifat
МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

Фикр

ЎҚИМАГАН ЙИГИТНИНГ ПУШАЙМОНИ

Таҳририятга Ангрендан бир йигит қўнгироқ қилди. Анчагача мақсадини айтолмади ва ниҳоят, истиҳолани йиғиштириб қўйиб, муддаога кўчди...

— Айрим сабабларга кўра мактабнинг 5-синфигача ўқиганман, ҳозир ёшим 19 да. Ўқишни ташлаб кетганимга шунчалик пушаймонманки, унинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдиролмайман. Ўзимча мустақил равишда мактаб дарсликларини ўқидим, тайёрландим. Имтиҳон қилишса ва мактабни битирганлигим ҳақида ҳужжат беришса!.. «Энди ўқиб нима қилардинг» дейишди, «Ўндан кўра ўзингни бозор-учарга ур, бойиб кетасан» дейишди, менинг эса фикр-ҳаёлим ўқишда...

Нотаниш йигитнинг самимий дил сўзларини эшитиб, ҳаяжонландим, урта мактаб, ёшлар, ўқишга муносабат ҳақида ўйлаб кетдим...

Бозор муносабатлари даврида яшаётганимизни, бу даврнинг ўзига хос талаб-тартиблари мавжудлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо-лекин хусусан бизнинг жамиятда ҳар қандай ислоҳот аввало инсон манфаатлари учун хизмат қилмоғи кераклиги тамойилидан келиб чиқилса бозор иқтисоди даври «шафқатсизлик»ларидан ёшларимизни асраб-авайлаб ўтказишимиз ҳам ниҳоятда муҳим.

Ёш йигит-қизлар бозорга, пул топишга берилиб кетди, ўқишни унутиб қўймоқда, деган гап-сўзлар қулоққа чалиниб туради. Тўғри, бу гапларда муайян маънода жон йўқ эмас. Лекин бундай пайтда жуда бир нозик ҳолатни унутмасликка тўғри келади: топиш-тутишга берилиб кетаётган ўша ёшлар мактабга бепарволиги билан ўз келажаги олдида қандай хатога йўл қўяётганини тўла англаб етаяптими? Танлаётган йўлининг масъулиятини ҳис қиляптими?

Менимча, йўқ. Бундай ёшларнинг аксарияти бугунги кун манфаатининг, қулига тушаётган пулнинг ишқида алданиб қолаяпти, холос. У ҳали келажакда ўзини қандай армон ё пушаймонлар кутиб турганини тасаввур ҳам қилиша олмайди. Катталарнинг вазифаси эса ўқишдан кўнгли совиётган ёшларга эртанги кун пушаймонини ҳозир эслатиб қўйишдан иборат.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ангрендан қўнгироқ қилган йигитча сингари қачонлардир мактабда ўқишни ортиқча даҳмаза деб билган ва эндиликда армонларини тўкиб адо қила олмаётганларни учратганда масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам кўзга ташланади. Мен ўқишга қизиқишнинг сўнишида айрим дарс соатларини қўл учида, тил учида ёки юмалоқ ёстиқ қилиб ўтиш ҳолларини назарда тутмоқдаман. Ўзи ташқарида аҳвол қандайлигини кўриб-билиб турибмиз, шундай шароитда ўғил-қизларимизнинг мактабга булган муҳаббатини оширишимиз зарур бўлган бир пайтда ўқитувчиларимиз ҳар қачонгидан ўз ишларига, касбларига эътиборни кучайтиришлари тақозо этилади. Уз фани ва дарсини севган ўқитувчини болалар албатта севадилар.

Аввалари ҳар ким фарзандини ўзи яшаётган тумандаги, маҳалладаги мактабга берар эди. Ҳозир ота-оналарни мактабнинг қаерда жойлашгани эмас, у ердаги дарс бериш сифати, савияси қизиқтиради.

Ўғлимни Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги таърифини кўп эшитганим 178-инглиз тилига ихтисослашган рус мактабининг ўзбек синфига бермоқчи бўлдим. Мактаб маъмурияти рўйхатга олиб, имтиҳон куни ва шартларини тушунтиришди. Имтиҳон куни ҳали мактаб ёшини ҳам ўз устида ишлашга, фарзандларига янада эътиборли бўлишга ундайди.

Шундай мактабни кўрганда ўзим билган бошқа мактаблардаги тартиб-интизомларни ўйлаб уларни таққослайман. Нега энди 178-мактаб ўқитувчилари ҳар бир ўғил-қиз билан алоҳида шуғулланишга, уларнинг қизиқиш доираси, бадиий диди, лаёқатини ўрганишга ва шу борадаги кузатишларини қайд этиб боришга фурсат топадию, бошқа мактабларда жадвалдаги дарс соатлари ҳам тўлиқ ўтилмайди?

Суриштирдим, ваҳоланки, ҳар иккала мактаб ўқитувчилари бир хил маош олишар экан, давлат томонидан бир хил таъминланар экан.

Маошнинг озлигидан нолийдиганлар ҳам йўқ эмас. Кейинги пайтда давлатимиз томонидан ўқитувчиларнинг моддий-маънавий шарт-шароитини яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўрилди, ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан бу соҳа соҳиб ва соҳибаларига катта ғамхўрлик кўрсатилди. Бундай сиёсат бундан кейин ҳам давом этади, албатта. Бироқ бозор муносабатлари шаклланаётган бир даврда четдан ёрдам кутиб «менга нима» деган кайфиятда қўл қовуштириб ўтиришдан фақат ўзимиз, фақат фарзандларимиз зиён кўрадилар-ку. Инсон аввало ўз ишини, касбини севиши, кимгадир нафи тегиб яшаши, биргина мурғак қалбда ўқишга, билишга муҳаббат уйғота олишининг ўзи катта бахт эмасми?

Айни замондаги ислоҳотлар, кун сайин янгиланиб бораётган жамият ёшлардан ҳар томонлама саводхон бўлишни тақозо этаётгани авваламбор катталарга аён эмасми? Давлатимиз раҳбари халқ таълими соҳасида жуда катта миллий дастур яратилиши ташаббускори бўлгани ҳам шундан далолат бермаяптими?

Замон талабини англаган, келажак учун масъулиятни ҳис этган ўқитувчилар бор имкониятларини ишга солиб изланаётганини, ўқув жараёнига янгича ёндашаётганини кўриб-билиб эртанги кундан кўнгил тўқ, фарзандларимиз дунё таниган, тан олган кишилар бўлиб улғайишларига ишонч туғилади.

Тўғри, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Ангрендан қўнгироқ қилган йигит сингари ўз вақтида мактабни битира олмаган 16 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар ўзлари яшайдиган туман ва вилоят халқ таълими бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин. Уларга керакли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилади. Махсус имтиҳонлар уюштириб шундай имтиҳондан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, шаҳодатномалар берилади.

«Билмаслик гарчи айб эмас, илло фазилат ҳам эмас» дейдилар ҳурматли домламиз профессор Ғайбулла Саломов. Дарҳақиқат, ўқиб-ўрганиб, англаб, изланиб, интилиб ва... ҳайратланиб яшашга не етсин!..

Гавҳар МИРЗАЕВА, журналист.

Mulohaza uchun mavzu

ЖАМОАМИЗ НЕГА МАҒЛУБ БЎЛДИ?

ёхуд футбол мактаб-интернатлари ўқитувчи ва ўқувчиларига савол.

Ўзбекистонда футболни ривожлантириш борасидаги амалий ишлардан бири барча вилоятларда футбол мактабларининг очилишидир. Уларда вилоят мактабларининг энг иқтидорли бўлажак футболчи болалари танлаб олинган. Мазкур йилда ушбу мактаблар терма жамоаларининг республика биринчилиги ҳам бўлиб ўтди. Ушбу биринчиликдан кейиноқ бир неча ўқувчиларнинг 1-табақа жамоаларига таклиф этилганлиги қувончли, албатта. Бироқ, бу мактаблар ўқувчилари учун дарслик энди яратиляпти. Шу боис ўқувнинг сифат даражаси ҳозирча мактаб раҳбарларининг, ўқитувчи-устозларнинг ташкилотчилигига, изланувчанлигига боғлиқ бўлиб турибди.

Ўзимиз гувоҳмизки, бу мактабларнинг айримларида хорижда машҳур футбол усталари яратган видеодарслар болаларга жуда ёқяпти. Дейлик, футбол қироли Пеленинг машғулотлари. Ўқувчилар кўрганлари — тепиш усуллари, тўпни олиб юриш, ўн бир метрлик жаримани тепишларни амалда қўллаб кўришяпти. Булар яхши. Лекин улар ўзимизнинг, айниқса, терма жамоамиз ўйинларини ҳам кассеталарга ёзиб олиб, таҳлил қилишяптимикан? Мисол тариқасида терма жамоамизнинг Францияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг сўнгги учтасини кассетага ёзиб олиб таҳлил қилишса, фикримизча бунинг ҳар томонлама фойдаси бор. Бунда қатор саволлар қўйиб, уларга жавоб излаш мумкин. Масалан, охирги ўйин: Ўзбекистон — БАА— 2:3. Аламли мағлубият. Бунда жамоа мураббийси бўлсангиз қайси ўйинчиларни ўйинга чиқарардингиз? Шуҳрат Мақсудовнинг жанжалига қандай қарайсиз? Ўн бир метрлик жаримани тепишда Миржалол Қосимов қандай хатога йўл қўйди? Сизнингча, ўн бир метрни ким тепиши керак эди? Учрашувнинг иккинчи бўлимида мураббийларнинг ўйинчиларни алмаштиришларига қандай қарайсиз? Абдуқаҳҳор Маъруфалиевнинг ўрнига чиққан Февзи Давлетов Абдуқаҳҳорга нисбатан яхши ўйнадими? БАА жамоаси қандай ўйнади? Ўйинчиларнинг маҳорати жамоамиз йигитларига нисбатан яхши эдими? Жамоанинг умумий аҳволи-чи?

Ўйинчиларимиз ўз ҳаракатларида Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилаётганларини сездингизми? Сизнингча футбол маърифати нима? Маҳорат — маърифат бўла оладими? Қандай ўйинчида миллий ғурур бўлади? Аввало футболчида миллий ғурур бўлиши керакми, йўқми? Шуҳрат Мақсудовнинг жанжалида миллий ғурур борми? Маърифат борми? Мазкур мағлубиятнинг асл моҳиятини англадингизми? Улар нималар?... Сиз қандай ўйнаган бўлардингиз? Ҳозирча ўйлаганингиздай ўйнай олмаётган бўлсангиз бунинг учун қандай амалларни бажаришингиз керак? Бунинг учун футбол мактабингизда шароит борми?..

Алқисса, Ўзбекистон жамоаси Францияга йўлланма учун зарур имкониятни қўлдан бой берди, Ўзбекистон футболи жаҳон миқёсига чиқиши ҳақида кўп гапириляпти. Бунинг учун эса фидойилар керак. Маҳоратли бўлиш билан бирга уларнинг қалбида Ватан ҳисси жўш урган бўлиши керак. Ўзбекистон мадҳияси янграганда миллионлаб ватандошлар тиккан умидли кўзлар — Ватан масъулияти ҳис қилиниши керак. Бу мағлубият сизга катта сабоқ бўлиши керак!.. керак!.. керак!.. Ҳис қиляпсизми футбол мактабининг азиз ўқувчиси... Ҳамма умид сиздан!

Ҳ. ОМОН.

Yangi alifboni o'rganaylik

ТЎҒРИ ЁЗАЙЛИК

(КИРИЛЛЧА «Ц»НИНГ ИФОДАЛАНИШИ)

«Ҳурматли муҳарририят!

Янги алифбони ўрганиш жараёнида, рус графикасидаги ўзбек алифбосида қўлланадиган «ц» ҳарфини ёзишда турли чалкашликларга дуч келяпмиз. Мутахассис олим-методистларимизнинг бу ҳақдаги мақолаларини ўқишни жуда-жуда истардик.

Сизларга ижодий муваффақият тилаб, бир гуруҳ бошланғич синф ўқитувчилари номидан Арофат Аюбжонова, Дурдона Қодирова, Зарофат Толиповалар.»

Қадрли муштарийларимиз илтимосига асосан қуйида ЎзПФИТИ «Она тили таълими» бўлими мудири, филология фанлари номзоди, доцент Суннатулла Ризаевнинг кириллча «ц»нинг янги ўзбек ёзувида ифодаланишига доир мақоласини эълон қиламиз.

«Ц» фонемаси (товуши) жарангсиз, қоришиқ (аффрикатив), тил олди ундош товуши бўлиб, у аслида ўзбек тилига хос товуш эмас.

Ўзбек тилида «ц» ҳарфи рус тили ва у орқали кирган айрим сўзлар таркибида қўлланилади.

«Ц» ҳарфи янги ўзбек лотин ёзувида қуйидагича ифодаланади:

1. Сўз бошида «s» ёзилади, масалан, silindr (цилиндр), sirk (цирк), sement (цемент), sentner (центнер), sellofan (целофан), sikl (цикл), sitata (цитата), sitrus (цитрус) каби.

2. Сўз охирида «s» ёзилади: shpris (шприц), abzas (абзац), kvars (кварц), Barens (Баренц) каби.

3. Ундош товушдан кейин «s» ёзилади: reduksiya (редукция), aksioner (акционер), stansiya (станция), rezidensiya (резиденция), transkripsiya (транскрипция), redaksiya (редакция), dezinfeksiya (дезинфекция), konsepsiya (конценция), proporsiya (пропорция), induksiya (индукция), deduksiya (дедукция), kalsiy (кальций) каби.

4. Олд қўшимча (префикс)дан кейин «s» ёзилади: antisiklon (антициклон), telesentr (телецентр), episentr (эпицентр) каби.

5. Сўз бошида ёки сўз ўртасида қўлланадиган «сц» ўрнида янги ўзбек лотин ёзувида «ss» ифодаланади: ssenariy (сценарий), inssenirovka (инсценировка) каби.

6. Икки унли ўртасида «ts» шаклида ёзилади: detsimetr (дециметр), glitserin (глицерин), ofitser (офицер), konstitutsiya (конституция), farmatsevt (фармацевт), radiatsiya (радиация), kommunikatsiya (коммуникация), deklomatsiya (декломация), attestatsiya (аттестация), intonatsiya (интонация), mexanizatsiya (механизация) каби.

7. «Ts»ли сўзлар бўғинга бўлинганда «ts» ажратиб ёзилади. ofit — ser, konstitut — siya каби.

Англашиладики, юқоридаги қоидаларга риоя қилиниши имло саводхонлигини таъминлайди.

Ниҳоллар кўкка бўй чўзар!..

Tahlil

МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

ларида миллат ғурури сифатида муҳрланиб қолади. Хоҳ спорт соҳаси бўлсин, хоҳ тасвирий санъат бўлсин, ақлий истеъдод билан, менинг назаримда, жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиёти жуда яқин боғлиқликдадир. Шу сабабли жамиятимизнинг истеъдодли ёшларга бўлган диққати тарих олдида, миллат руҳи олдида жуда катта воқеликдир, тараққиётга қўшилган бебаҳо ҳиссадир.

Мумтоз адабиётимизнинг ўлмас сиймоларидан бири Мир Алишер Навоийнинг 6 ёшда битган:

«Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўлайким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш»

байти ҳазрат Лутфийни чексиз ҳайратга солган.

Бу, Навоийдаги шоирлик истеъдодидан нишона эди.

Истеъдод билан билим тушунчаси кўпчиликка бир бутун нарса бўлиб туюлади. Аслида эса уларнинг талқини бошқа-бошқа. Истеъдод, шубҳасиз, чексиз имкониятлардир. Яъни маълум бир психофизиологик ўзига хослик асосида шаклланади ва ривожланади. Истеъдодли ўқувчида билим ҳам бор. Лекин билимли болада истеъдод бўлмаслиги мумкин. Истеъдодни асраб-авайлаш, тарбиялаш керак.

ИСТЕЪДОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРМОҚ ЛОЗИМ?

Ун ёшгача бўлган болаларга ўз она тилидан ташқари бошқа тилларни ўргатиш осон кечади. Нейрофизиология соҳасидаги олимларнинг фикрига кўра, бу ёшгача бола миясининг ўнг қисми аниқ маром билан ишлайди. Бу қисмнинг фаолияти боланинг яхлит материалларни ўзлаштиришини таъминлайди. Тахминан ун ёшдан кейин эса миянинг чап қисми ҳам кўпроқ ишга туша бошлайди. Миянинг ривожланиш жараёнида чап қисмининг кечроқ мукаммалликка эришуви болада ихтиёрий фаолиятнинг бир ишни режали, орқа-олдини ўйлаб бажариш имкониятларининг пайдо бўла бошлашига мос келади. Энди бола, масалан, иккинчи тилни ўз она тилини ўргангандек, тўғридан тўғри ўргана олмайди. Балки ўз она тили орқали, билвосита, таржима қилиб ўргана бошлайди. Ёш ўтган сари бу хусусият тобора кучайиб боради ва аксинча бола қанча ёш бўлса, яъни мия ўнг ярим шарининг қуввати чапига нисбатан беқиёс кучли бўлган даврда тилни, унинг талаффузини, асосий грамматик қоидаларини яхлитлигича (тушуниб эмас) ёдга олиб қола олади. Ва худди ўрганганидек, эшитганидек, қайтариб ифода эта олади.

Машҳур бразилиялик нейрофизиолог Вильдер Пенфильд уч боласининг ҳар бирига уч хил тилни ёшлигидан ўргатишни бошлаган. Уни ҳайратга солган нарса шу бўлганки, ака-укалардан бири немисча сўраса, иккинчи немисча, инглизча сўраса инглизча сўзларни адаштирмай жавоб беравераркан. Миянинг бу каби нодир имкониятларини биз фақат ҳозирги замон кучли компьютерларида кўришимиз мумкин. Шундай қилиб, бир оиладаги уч фарзанд битта тилни ўрганиш ўрнига учтадан тилни ўзлаштириб олишган. Лекин олим инсон чет тилларни она тилидек бевосита усулда ўрганиш қобилияти 9 ёшга келиб тугайди, дейди. Бу хулоса кўпгина бошқа психологик тадқиқотларда ҳам ўз тасдиғини топди.

Бошланғич таълим тизимига чет тилларни тиқиштиришнинг нима кераги бор? Шусиз ҳам болада босим ошиб кетмаяптими, деб эътироз билдирувчилар кўпайиб кетади.

Мен бу эътирозларга қаршиман. Мактабгача ёшдаги ва бошланғич таълим ёшидаги болалар тил ўрганишда жуда катта имкониятларга эгалар. Бу босқичларда бир нечта тилларни ўрғатавериш керак. Ун ёшгача бола ўқувчан, хотираси тезкор, миясининг ўқувчиларига ҳам мулжаллаб қўлланма чиқарилди. Ҳечдан кўра кеч бўлса-да, бунга эришдик. Лекин бошланғич таълим айнан нафосат, бадиий дид, тиллар, одоб ўргатадиган мазмун билан янада тўлдирилиши керак. Академик билимларга ўтиш эса иккинчи таълим босқичининг вазифасидир. Бунда катта ғоя бор — инсон онги тараққиётининг қонуниятлари етади.

Истеъдодли кишилари кўп мамлакат ғуллаб-яшнайди. Узбекистонда улар минглаб, балки миллионлабдир. Узоқ туманнинг тоғли қишлоқларида, эҳтимол, бўлғуси машҳур меъмор ёки рассом яшаётгандир. Олис Нурота даштларидаги интернатлардан бирида математикага мойиллиги ўта кучли бола борлиги аниқ. Эҳтимол, Марғилонда Кумушбиби каби ҳаёли, иффатли ўзбек қизи ўз кўнгил сирларини шеър қилиб, яширинча қоғозга тўкаётгандир.

Истеъдодли ёшлар бизда сон-саноқсизлигига мен аминман. Марказимиз уларни излаб топиш билан шуғулланмоқда. Унга 1990 йилда Термизда асос солинганини кўпчилик билмаса керак. Ушанда Термиз Давлат педагогика институти қошида жамоатчилик асосида ишлаб турган илмий текшириш психология лабораториясига расмий мақом берилиб, у ерда «Узбекистоннинг истеъдодли болалари» дастури асосида иш бошланган эди.

1995 йил январь ойига келиб эса бу марказ Тошкентга кўчирилди. Марказ қошига етук олимлар, тажрибали педагоглар, психологларни жалб этиб, билим ва маҳоратларидан фойдаланаяпмиз. У 4 махсус лаборатория ва 14 филиалдан иборат. Мактабларимизда шундай фожиа борки, ўзлаштириш даражасини биринчи ўринга чиқариб қўямиз. Ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда мактаб ўқувчисининг билимлилигидан кўра унинг ривожланганлиги, яъни қанча кўп янги ҳаётий масалаларни муваффақиятли еча олиш имконияти борлигига аҳамият беришади. Билим тестлари ҳам ишлатилади. Лекин бу тестлар психологик тестларнинг ўндан бирини ҳам ташкил этмайди. Асосийси, боланинг ўқиши жараёнида фанларни ўзлаштириш давомида хотира қўлами ўзгардими, сифати маънавийлашдими, энди у мантиқий масалаларни ҳам еча оладими ва ҳоказоларга кўпроқ аҳамият берадилар. Яъни боланинг руҳий олами, шахсининг ривожланганлиги биринчи ва олий вазифа қилиб олинган. Билим — ўзгарувчан катталик. Боланинг мактабдаги билими у учунгина, унинг ўша вақт машқ қилиб ўтиши учун керак, холос. Инсоният учун у билимлар ўтган давр. Шунинг учун уни баҳолаш ва унга қўшиб боланинг ўзини баҳолаш мантиқсизликдир. Тўғри, шу билимларни тез ва мукаммал эгаллашга ўргатиш керак. Агар бола ўқий олса, билим ўзлаштириш методикаларидан фойдалана олса, тўғри хулосалар чиқара билса, у юқори баҳоланиши керак, чунки унинг қобилиятлари назарга олинаяпти. Бу ерда шаклланган ақлий фаолият даражаси қадрланиши керак. Кўп билимларни бола билса-ю уларни қайта ишлай олмаса, бошқа билимлар билан таққослаёлмаса, ҳаётда ҳам янги муҳитга тўқнаш келганда, ўзини йўқотиб қўяди. Биз бундай пайтда болани кечирамиз, бола-да, деймиз. Европаликлар эса бундай қилмайдилар. Таълимнинг мазмуни шу даражада инсон онгининг шаклланишига, унинг ижодийлигига катта таъсир кўрсата олади.

Истеъдод айнан ўқий олиш, ўзлаштира олишда мукаммалликка эришганлиқдир. Тафаккурнинг ўзига хос ривожланганлиги, ноанъанавий тус олиши, қўламининг қирраларининг сержилолигидир.

Биз ҳам истеъдодларни аниқлашнинг «Ўзбекистон модели»ни яратишга муваффақ бўлдик. Марказимиз ўтган уч йил мобайнида 35 мингдан кўпроқ ўқувчиларни психологик интеллект тестларидан ўтказди.

Марказимиз ҳозиргача фақат ақлий истеъдод, зеҳнли ўқувчи-ёшларни саралаш ва уларга кўмак уюштириш билан банд. Лекин мутахассислар камида 5 турдаги истеъдодни фарқлайдилар. Булар ақлий истеъдоддан ташқари, ташкилотчилик, техника, жисмоний фаолият, бадиий соҳалардир.

Баҳорда Американинг Сиэтл шаҳридан ўзаро ҳамкорлик доирасида бир меҳмон келувди. У киши Сиэтл минтақаси бўйича истеъдодли ўқувчи-ёшлар билан ишлайдиган катта бир ташкилотнинг ходими экан. Бизнинг фаолиятимиз билан жуда қизиқиб танишди. Кўпгина ишларимизни юқори баҳолади. Кўп нарсалар Америка танлов технологияси учун янгилик эканлигини очиқ эътироф этди: «Бу сиз томондан катта фидойилик, ватанпарварликдир, бу Узбекистонга меҳр қўйган фарзандларгагина хос катта меҳнатдир». Хорижданёрдам қўлини чўзиб келган дўстларнинг оддийгина хизматимизга берган бу баҳосидан қалбимиз ғурурга тўлди.

Ташлаётган қадамларимиз чакки бўлмаётганини таъкидламоқчиман, холос. Камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Режаларимиз қалашиб етибди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»нинг қабул қилинишидан мамнун бўлдик. Унда таълим тизимимизга бир қанча ўзгартишлар киритилди. Мавжуд педагогикани ёриб ўтиш қийин кечади. Аммо биз бунга эришишимиз керак. Истеъдод маркази ҳам бунга ҳисса қўшишга тайёр.

ОБУНА—98

Азиз тарбиячилар, муаллимлар, зиёлилар!

Таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами Сизни шунга яраша ахборотга эга бўлишингизни, таълимнинг кундалик юрак уришидан бохабар бўлишингизни тақозо этади.

Сизга бу борада кўмак беришни, янгиликлар билан қадам-бақадам одимлашингизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

«Маърифат» газетасига келаси — 1998 йил учун обуна бошланиб кетди.

Нашр индексимиз:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150.

Қўшсаҳифа «Ҳуррият» ва «Маърифат» ходимлари ҳамкорлигида тайёрланди.

Tadbir

«ОРОМ» ГЎЗАЛЛИК ҚУРШОВИДА

Тўйга тўй улансин, дейди доно халқимиз. Ҳа, бу гапнинг замирида жуда катта маъно бор. Кечагина республикамизда «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»ни кенг миқёсда нишонлаган бўлсак, бугун «Ором»нинг оромгоҳида байрам шодиёнасининг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги болалар боғчаси — «Ором»да кичкинтойлар маскани ташкил топганининг ўттиз йиллиги, ўқув таълим-тарбия мажмуасининг беш йиллиги ҳамда янги мактаб биносининг очилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Юбилей тантанасини Акмал Икромов тумани ҳокими Осимхон Алиҳўжаев очиб, байрам иштирокчиларини қўш байрам билан қутлади. Сўнгра сўзни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевга берди.

— Азиз мураббийлар, ҳурматли «Шарқ юлдузи» маҳалла аҳли, меҳмонлар, қолаверса, қимматли болажонлар, — деди Жўра Йўлдошев. Бу ҳафта байрамларга бой бўлянти. «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» муносабати билан халқ сайиллари ўтказилди. Фахрий устозлар ҳол-аҳволидан бохабар бўлинди. Қисқаси, устозлар айёми умумхалқ байрамига айланди. Буни Президентимизнинг ўқитувчи ва мураббийларга бўлган чексиз ҳурмати ҳамда эҳтироми деб биламиз. Биз келажаги буюк давлатни бунёд этмоқчимиз. Бунинг учун эса буюк инсонлар вояга етиши керак. Компьютер, иқтисод, чет тилини ўрганиш, меҳнат таълими ва касб ўрганиш боғчада бошланяпти. Узлуксиз таълим бериш эса дастлаб мана шу мажмуада амалга оширилаётир. «Ором»да ўрнак олса арзийдиган янгиликлар талайгина. Болалари гўёки хориждан келганларга ўхшайди, катталардек фикр юрита олади. Мажмуадаги меҳнат ва нафосат тарбияси келажакда катта самара беришига ишонаман.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов йиғилганларни қутлуғ айём билан муборакбод этиб, мажмуага телевизор совға қилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти проректори Санжар Мирсолиҳов ҳамда маҳалла фаоллари сўзга чиқишиб, дил изҳорларини баён этдилар.

— Ҳурматли ота-оналар, раҳбарлар, меҳмонлар! Қўлга киритаётган муваффақиятларимизнинг асосий ҳомийлари — шаҳар ва туман ҳокимлари, ота-оналарга ўз миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Мажмуа 12 йиллик таълим-тарбия маркази мақомини олди. Эндиликда дилбандларимиз 2 ёшдан 17 ёшгача мазкур масканда тарбияланиб билим оладилар, — деди «Ором» ўқув таълим-тарбия маркази раҳбари Гулнора Қўчқорова.

Шундан сўнг байрам иштирокчиларини жажжи кичкинтойлар шеър, жозибали қўшиқ ва шўх рақслари билан хушнуд этдилар. Сўнгра халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев тантанали равишда лентани қирқиб, уч қаватдан иборат минг ўринли янги мактабнинг рамзий калитини топширди.

Мазкур марказда болалар етти йўналиш бўйича таълим оладилар. Жумладан, иқтисод, санъатга оид билимлар билан бирга инглиз, француз, рус, турк тилларини ҳам ўрганадилар. Мажмуада футбол, баскетбол, бадментон сингари спорт секциялари, тўқиш, тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш бўйича тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатади.

«Ором»да билим олаётган ёшлар элимиз, юртимиз учун муносиб садоқатли фарзандлар бўлиб вояга етишишларига ишончимиз комил.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими М. Тиллабоев, Тошкент шаҳар ҳокими муовини, Шуҳрат Жалилов, халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султоновлар иштирок этдилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Ором» ўқув таълим-тарбия марказидаги машғулотлардан лавҳалар.

В. КИРИЛЛОВ олган суратлар.

Ko'ngil bitiklari

МУАЛЛИМ

Ифтихор-ла қуллуқ бажо айлайин,
Таълим берган меҳри офтоб устозлар.
Дил эъзозин баён айлаб куйлайин,
Очиққўнгил, саховатда мумтозлар.

Меҳрингизнинг ҳар қаътида уммонлар,
Оппоқ тонглар ёришади беғубор.
Каломингиз кенглигида давронлар,
Авлод кўнглин ошён этар ифтихор.

Ватан учун хизматингиз улуғдир,
Билим олиб камол топар авлодлар.
Эл ичида ҳурматингиз қутлуғдир,
Жасоратни сиздан олган фарҳодлар.

Ота-она каби азиз муаллим,
Таъриф этсам сўз гавҳарим етмайди.
Кўнгил ичра меҳру эъзоз лиммо-лим,
Сиз битган нақш қалбдан асло кетмайди.

Рўзимат ДАМИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ЭЛИМГА

Ўтмишинг қайғули, хор бўлган, элим,
Меҳр-мурувватга зор бўлган элим.
Кўзларига дунё тор бўлган, элим,
Ҳурлигинг муборак, мардонам менинг,
Олам аро танҳо дурдонам менинг.

Кўзларингга қайғу инганлиги рост,
Калтаклар бошингга синганлиги рост.
Бугун бошга Ҳумо қўнганлиги рост,
Ҳурлигинг муборак, мардонам менинг,
Оламаро танҳо дурдонам менинг.

Энди эгилмагин қаддинг баланд тут,
Дунё кўзи сенда, гамларни унут,
Хонадонда мудом пок дилларни кут,
Ҳурлигинг муборак, мардонам менинг,
Оламаро танҳо дурдонам менинг.

Темурнинг руҳини шод этди мана,
Буюк истиқлолим этди тантана,
Омон дер: Туронда зўр шодиёна,
Ҳурлигинг муборак, мардонам менинг,
Оламаро танҳо дурдонам менинг.

Омон АБДУЛЛА,
Шофиркон тумани Ш. Руставели номидаги мактаб ўқитувчиси.

Xullas

ОМАДСИЗ КУЁВ

Ҳеч ким етдим деганда йиқилмасин. Айниқса, италиялик Чезарега ўхшаб. Бу бенаво йигитга куёвлик сарупоси бахт келтирмади. У келинпошша билан никоҳ ўқитиш учун кетишаётганда йиқилиб оёғини синдириб олади. Дўстлари кўтариб машинага олиб кетишаётганда қоқилиб кетиб, куёв қурғур қўлларидан тушиб кетади-да, умуртқа суяги лат ейди. Дарҳол «Тез ёрдам»га мурожаат этилиб, куёв касалхонага олиб кетилаётган машина автоҳалокатга учрайди. Бироқ бахтли тасодиф билан куёв тирик қолади.

Хуллас, омадсиз куёв ҳақида ҳозирча эшитганимиз шу. Балки қишгача тўй бўлиб қолар... Валлоҳи аълам!

«ИШБИЛАРМОН» МАЙМУНЛАР

Айтишларича, қўён ҳам яхшилаб калтакланса гугурт чақишни ўрганиб олиши мумкин экан. Бу гапга Ҳиндистондаги бир воқеани эшитсангиз сира иштибоҳ этмайсиз.

Мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида фуқаролар маймунларнинг хуружидан безиб қолган. Ваҳоланки маймунлар одамларга ҳужум қилишаётгани йўқ. Улар фақат пул сурашади холос. Мабодо пул бермасангиз қўлларини мушт қилиб дўқ-пуписа қилиб қўйишади. Қизиғи, озмоз танга «жамғарма» олган маймунлар бозорга бориб мева-чева ҳам харид қилишади. Ана сизга «ишбилармонлик». Бу воқеани ўқиб, баъзан ўйлаб қоласан киши. Маймуншунос Энгельс ҳам бироз адашган, шекилли...

АЁЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

Олмония кўчаларида хотин-қизлар учун алоҳида-алоҳида автобекатлар пайдо бўла бошлади! Айтишларича, яқин йиллар ичида, улар учун махсус автобуслар қатнови йўлга қўйилар экан. Бу янгиликларни олмон хотин-қизлари катта шоду ҳуррамлик билан қутиб олмоқда.

ana shunaqa gaplar

Sport

БУҲОРОДАГИ МАҒЛУБИЯТ

Футбол бўйича Ўзбекистон 6-чемпионатининг XXVIII тур учрашувлари бўлиб ўтди. Якка пешқадам МҲСК (Тошкент) ушбу турда Бухорода «Бухоро»нинг меҳмони бўлди ва 2:1 ҳисобида мағлубиятга учради. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Чилонзор» — «Дўстлик» — 3:3, «Андижон» — «Атласчи» — 5:1, «Афросиёб» — «Косонсой» — 1:2, «Сўғдиёна» — «Хоразм» — 2:0, «Сурхон» — «Навбаҳор» — 1:0, «Нефтчи» — «Трактор» — 4:2, «Пахтакор» — «Насаф» — 4:3.

НАВБАТДАГИ УЧРАШУВЛАР

4 октябрь куни футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланмаларни қўлга киритиш учун Осиёнинг «Б» гуруҳида икки учрашув ўтказилди. Гуруҳ пешқадами Корея терма командаси Ўзбекистон футболчиларини 3:2 натижа билан доғда қолдирган — Бирлашган Араб Амирлиги терма командасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб очколар сонини 12 тага етказди. Қозоғистон — Япония учрашуви эса дуранг бўлди.

МАЙДОНДАГИ КАМЧИЛИК

УЕФА кубогининг 1/32 финал ўйинларидан бири Москвада ўтказилди. Маҳаллий «Спартак» Швейцариянинг «Сьон» клубини қабул қилди (ҳисоб 2:2).

Учрашув белгиланган вақтидан ярим соат кеч бошланди. Негаки рақиблар ўйиндан олдин дарвозаларни ўлчаб кўришга мажбур бўлишди. Натижа шуни кўрсатдики, «Спартак» тўп сурадиган ўйингоҳнинг ҳар иккала дарвозаси ҳам жаҳон стандартидан бўйига 12, энига 14 см кичик экан.

КУТИЛМАГАН ҒАЛАБА

Яқинда профессионал бокс бўйича Россияда яна бир муҳим учрашув ўтказилди. Қозоғистонлик Олег Москеев (103 кг) АҚШ профессионали Алекс Стюартни мағлубиятга учратди. Стюарт шу кунга қадар Тайсон, Форман сингари чемпионлар билан синашиб кўрганди. Олег Москеев эса йирик мусобақаларда қатнашмаган. У бир неча йил бокс бўйича Ўзбекистон терма командасининг бош тренери Владимир Шин қўлида таҳсил олган.

ТЕННИС ОЛАМИДА

Дунёнинг яна бир машҳур теннисчиси Штефи Граф яна кортта чиқиш арафасида турибди. Маълумки, Граф Франция очиқ чемпионатида қатнашиб, оёғи қаттиқ лат еганди. Даволаниш учун 3 ой вақт кетди. Штефи Граф ушбу мусобақада қатнашишдан илгари ҳам оёғидан нолир эди. Бироқ унинг шахсий врачи «бемалол қатнашишинг мумкин, саломатлигинг жойида» деб нотўғри ташҳис қўйганди. Оқибатда бу машҳур теннисчи аёл анчамунча совринлардан қуруқ қолди.

maydonchasi

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

СИМОБ. Лотинча номи «гидрогирум» — «кумушли сув» маъносини билдиради.

ОЛТИНГУГУРТ. Санскритча «сира» (яъни, оч-сариқ демак) сузидан келиб чиққан бу ном рангни ифодалайди. Элементнинг рамзи эса лотинча «сульфур» номидан.

ХЛОР. Грекча «хлорос», яъни яшна сузидан олинган.

ХРОМ. Ранг, буёқ маъноларини англатувчи грекча «хрома» сузидан олинган. Бирикмаларнинг ранглари хилма-хил булгани учун шундай ном олган.

РУХ. Лотинча «цинк», яъни кузга тушадиган оқ, оқ парда сузидан олинган. Бирикмалари узига хос рангта эга булгани учун шундай аталган.

КУМУШ. Элементнинг лотинча «аргентум» номи санскритча «арганта» сузидан олинган булиб, бу суз оч ранг, оқ деган маънони ифодалайди.

ЙОД. Грекча «йодес» — гунавша, гунафша ранг сузидан келиб чиққан.

БРОМ. Грекча «бромос» — бадбуй демак, у сассиқ ҳиди учун шундай аталган.

АЗОТ. Грекча «а» — инкор этиш маъносидаги суз билан «зоос» — ҳаёт деган сузнинг бирга қушилишидан келиб чиққан. «Азот» ҳаётни таъмирловчи маънони англатади.

ФТОР. Грекча «фторос» — емирувчи сузидан олинган. Ҳаддан ташқари кимёвий фаоллиги учун шундай аталган.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва география факультети жамоаси гидрология кафедраси мудири, доцент Атҳам РАСУЛОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ таълими» журнали ва «Маърифат» газетаси таҳририятлари журнал бўлим мудири Нўъмонжон Қурбоновга волидан муҳтарамаси Норпошша ая ХЎЖА қизи вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги С. Сирожиддинов номидаги лицей-интернат жамоаси шу лицей-интернат муаллими Суратилла ИСҲОҚОВ вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0672. Тиражи 21.422. Х2жми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6